

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 1209-10
2019 yil 15 fevral



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MOLIYA VAZIRINING БУЙРУҒИ

**“Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш
тўғрисида”ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сон “Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғига (рўйхат рақами 1209, 2003 йил 24 январь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 й., 1-2-сон) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кириди.

Вазир



Д. Кучкаров

Тошкент ш.,
2019 йил 23 январь,
10 -сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирининг
2019 йил 23 январдаги
10- сон буйруғига
ИЛОВА

**“Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш
тўғрисида”ги буйруғига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 3-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.
 2. 1-сон иловадан “БХУТ бўйича 1-шакл
Форма № 1 по ОКУД
” сатри чиқариб ташлансин. 3. Бухгалтерия балансига иловадан “М.Ў / М.П. (муҳр мавжуд бўлган тақдирда / при
наличии печати)” деган сўзлар чиқариб ташлансин.
 4. 2-сон иловада:
 - а) “БУТ бўйича 2-шакл
Форма № 2 по ОКУД
” сатри чиқариб ташлансин;
 - б) 300-сатр чиқариб ташлансин;
 - в) 410-сатрнинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
“Автотранспорт йиғимлари
Автотранспортные сборы”;
 - г) 440-сатрнинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
“Ягона ижтимоий тўлов
Единый социальный платеж”.
5. 4-сон иловадан “БУТ бўйича 4-шакл
Форма № 4 по ОКУД
- ” сатри чиқариб ташлансин.
6. 5-сон иловадан “БУТ бўйича 5-шакл
Форма № 5 по ОКУД
- ” сатри чиқариб ташлансин.
7. 7-сон иловада:
 - а) 13-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
“13. Молиявий ҳисобот шакллари раҳбар ва бухгалтерия ҳисоби ҳамда молиявий
бошқариш вазифаларини амалга оширувчи шахс томонидан имзоланади (бундан буён бош
бухгалтер деб юритилади).
Агар раҳбар бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини ўз зиммасига
олган бўлса, у бош бухгалтер ўрнига ҳам имзо қўяди.”;
 - б) 45-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
“45. “Давлат мақсадли жамғармалари ва суғурталар бўйича бўнак тўловлари”
(280-сатр) моддаси бўйича ҳисоби давлат мақсадли жамғармаларига ва суғурталар бўйича
бўнак тўловларини ҳисобга олувчи сўтларда (4500) юритиладиган давлат мақсадли
жамғармаларига ва суғурталар бўйича бўнак тўловлари ва ортиқча тўловлар
кўрсатилади.”;
 - в) 96^о-банддан “ҳамда ҳар бир саҳифада муҳр билан тасдиқланади (муҳр мавжуд
бўлган тақдирда)” деган сўзлар чиқариб ташлансин;



г) 97-банднинг биринчи хатбошисидан “, бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун солиқ” деган сўзлар чиқариб ташлансин;

д) 122-банднинг иккинчи хатбошисидаги “махсус” деган сўз “соддалаштирилган” деган сўз билан алмаштирилсин;

е) 124-банднинг иккинчи хатбошисидаги “300” рақами “310” рақами билан алмаштирилсин.

